

Одатда, касал кўзиди. Аллергия кўзиди. Тутқанок кўзиди. Каримов режимида эса эски ва пасткаш ўйинлар кўзиди.

Яқин олти ой ичида Муҳаммад Солиҳ номи Ўзбекистон ичига янгидан кириб кела бошлади. Унинг номи яна тилларга олина бошлади. Одамлар уни такрор эслашди ва унинг қайтиб келишига хайрихоҳ бир гуруҳлар қайтадан шакллана бошлади.

Каримовнинг мияси айниб қолгани қайтадан тилга олина бошлади, кун сайин янги жиноятлари фош бўлиб, халқ ичида сезилар-сезилмас ҳаракатланиш кўрина бошлади.

Турли шаклларда Каримовнинг ҳар бир ҳаракати таҳлил этилиб, унинг лаёқатсизлиги кўрсатиб берилмоқда. Ташқаридан



ёшлардан бўлса, айна мақсадга мувофиқ.

Агар бирор жиддий амал эгаси бўлса, нур устига нур. Кейин бу “номзод” ҳақида “фактлар” тўпланади, унинг “айбдорлиги” тўлақонли “исботланадиган” даражада материал йиғилгач, у ҳибсга олинади.

Бирок буни ҳеч ким билмайди.

Ордер-пордер шарт эмас.

МХХнинг подвалига олиб тушилади ва унинг номидан ёзиб қўйилган “икрорнома” кўл қўйиш таклифи берилади.

Индамай кўл қўйса, тамом, камида 15 йилни (қамокни) бўйнига осишади.

Сўнг унга: “Солиҳ билан интернетда гаплашдим, Солиҳ давлат тўнтариши қилиш ҳақида гапирди, одам тўпла деди, китоб ва видеоларни тарқат деди”, –каби

ЎЗБЕКИСТОНДА МУҲАММАД СОЛИҲНИ БАДНОМ ҚИЛИШ УЧУН ФИЛЬМ ТАЁРЛАНМОҚДА

кираётган хабарлар ичида Эргаш Сулаймон, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон ва Абдуллоҳ Нусратларнинг туркум мақолалари катта рол ўйнамоқда.

Улар тақдим қилаётган факторлар олдида Каримов режими ва унинг маддоҳлари “қиличлари синди, қалқонлари тешилди”.

Аёвсиз ва бир қадар радикал руҳда бошланган эркин фикр ҳужумидан Каримов режими талмовсирай бошлади ва бу ҳужумга жавоб беришнинг ўша эски ва манфур йўлини қўлланишга қарор қилди.

Бу йўл Муҳаммад Солиҳ номини халқ ичида бадном қилиш ва қайта шаклланаётган хайрихоҳликни боши билан эзиб ташлаш билан ифодаланади. Яъни мустабид эскичасига «ватан хоини» ва «халқ душмани» уйдириб, давлат террорини оқлаш сиёсатининг янги погонасига чиқмоқчи. Бу иддаомизни аниқ манбаларга таяниб қиялмиз.

Таёргарликни бошлаб юборишди: Ўзбекистонда ким Муҳаммад Солиҳга тарафдор бўлса, ким унинг исмини адашиб тилга олса, жиноятчилар ва хоинлар сифатида МХХнинг рўйхатига киритилмоқда. Уларнинг ортларидан кузатувчи(дум) қўйилмоқда, жорий ҳукуматга қарши гап айтаяптими, ким билан учрашяпти, Солиҳни мақтаяптими йўқми, Солиҳ билан алоқаси борми каби саволларга жавоб “топишмоқда”.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу саволларга “Ҳа” ёки “Йўқ” деган жавобнинг қайси бири бўлиши аҳамияти йўқ. Ким бўлишидан қатъий назар – вазият учун қурбонлик зарур.

Яъни Солиҳ билан алоқага чиққани ва унинг ҳаракатини Ўзбекистон ичида қўллаб-қувватлаб турганини бўйнига оладиган “гуноҳкорлик”ка “номзодлар” зарур. Бу “номзод”лар кўзга кўринган ва истейдодли

“икрорлар”ни декломация қилиш ўргатилади ва у камера қаршисида ўргатилганларни такрорлаб беради.

Бу одамнинг оила аъзолари, ота-онаси қон йиғлаган ҳолда ТВга олиб чиқилади, шарманда қилинади, ота-она йиғлаб кечирим сўрайди, ўғлини, керак бўлса, оқ қилади. “Айбдор” ҳам йиғлаб халқдан ва Каримовдан кечирим сўрайди.

Шу асосда даҳшатли бир фильм тайёрланади. Унга “Юртни пулга сотган хоин” каби бирор ном қўйилади.

Сўнг гапни Муҳаммад Солиҳнинг шахсига туҳмат тошлари отишдан бошлашади, «у тўқсонинчи йилларда давлат тўнтариши қилмоқчи бўлди, аммо эпполмади, кейин қочиб кетди», дейилади. Сўнг бу гапни тасдиқлайдиган гувоҳ ҳам гапирди...

Шу тариха 99-йил феврал воқеалари, Андижон воқеалари ҳам Солиҳга боғлаб талқин қилинади

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ва унинг портрети жуда кўрқинчли ва юрт хоини ўлароқ чизилади. Бу портретни чизар экан, ёши катта “тувоҳлар” ҳар бир гапни тасдиқлаб беришади.

Кейин «Солиҳ хориж давлатларининг одами бўлди ва ҳукуматни қайта қўлга олиш учун яна хуруж бошлади», дейилади. Интернет орқали «ёшларни тузукқа илинтиришга киришди ва мана улардан бири» (ёки бир нечаси) деб “айбдор”га” “икрорнома” декламация қилдирилади. Содда халқ, ахборот олампидан узилган халқ кўркувга тушади, бу гапларга ишонади, чунки дикторлар овозларига бир сирли тус беришади, фильм давомида қон, ўлим ва жасадлар кўрсатилади, Солиҳ Ўзбекистонни Сурияга, Афғонистонга айлантормоқчи деган жумлалар айтилади. Хуллас, камида бир соатли фильмда Муҳаммад Солиҳ номи ёмонотликка чиқарилади ва унинг учун Ўзбекистон эшиклари яна камида ўн йилга қаттиқ беркитилади гўё.

Фильм шу қадар ваҳима ва террор билан суғориладики, Муҳаммад Солиҳга ичида хайрихоҳ бўлиб юрганларнинг ҳам дами ичига тушиб кетади ва кўзига, аввало, ширин жони, оила аъзолари кўринади, ҳукумат аждаҳо каби ўзини ҳам ютиб юборишини тасаввур қилиб тилини ичига ютиб, Каримов режимини мактаб юришни маъқул топадилар.

Бу ишни Каримов режими шошма-шошарлик билан қилмайди, ҳар бир ишни «пухта» бажаришга интилишади, матн, монтаж мустаҳкам амалга оширилади.

Хуллас, тухмат ва ёлғонга тўла кўрсатув шу тарика эфирга кетади.

Шу баҳона мамлакатда яна бир кўркув уйқуси ғолиб келади. Одамлар бир-бирларига ҳадик билан қарай бошлашади, тинч ва хотиржам яшаш учун интернетга киришдан воз кечишади ва ижтимоий тармоқларда Муҳаммад Солиҳ билан “дўст” бўлганлар зудлик билан бу сафдан чиқадилар.

Яқинда “Юриш бошланди” номли мақоламизда биз МХХнинг янги қатағон операцияси ҳақида маълумот берган эдик. Бу операциядан мақсад айнан мана шу экани ойдинлашиб бормоқда.

Хўш, Муҳаммад Солиҳ номини қора қилиш ортида ким турибди?

Фақатгина Каримов десак, у қадар тўғри бўлмас.

Бугун Солиҳга қарши кураш учун Каримовдан кўра унинг ўрнига кўз тикаётган (аслида Каримов шаклантирган) йиртқич тўда қасд қилган.

Улар Каримов амалдан кетиши билан Муҳаммад Солиҳнинг Ўзбекистонга кириб келиши ёхуд Солиҳ Каримов ҳукуматини ағдариб ташлашини кутиб тура олмайдилар. Қай йўл билан бўлмасин, хурриятга, озодликка интилаётган халқни бўғиб, куллик занжирига солиб, ўз ҳукмронлигини абадий тутиб туришга интилади бу тўда.

Бу тўда бошида Шавкат Мирзияев, Рустам Иноятов, Рустам Азимов ва бошқалар турибди.

Улар ўз ҳокимиятларини Каримов номи остига қуришди, энди Каримовнинг кетиши муқаррар бўлиб борар экан, бу статусни йўқотмаслик учун Муҳаммад Солиҳдан кутулишнинг йўллари изламоқдалар. Бу йўлда

улар одамларни ўлдиришдан, қон тўкишдан заррача тап тортмайдилар.

Бугун Муҳаммад Солиҳга алоқадор деб ким қўлга тушса, у то қўйилган “айбловга” иқрор бўлмагунча, қийноққа солинади: тирноқлари тагига бигиз санчилади, бармоқлари омбур билан мажакланади, жинсий аъзоларига зарба берилади, жисмининг нозик нуқталарига қийноқ берилади. Бу ишлар бугун ҳукумат бошида ўтириб олган ҳаромхўрлар учун завқ бағишлайди.

Яна бир ҳақиқатни айтиш лозимки, бу тўда агар халқ кўзгалса, ҳукуматни ағдаришга чикса, қочиб кетишга ҳам шай.

Фақат шуки, бугун Каримов режимида чуқур жойлашиб олганларнинг ҳаммаси хорижда ўз мулки ва бойликларига эга.

Улар ҳар қандай хавфли ҳолатда жонларини саклаш учун халқни ҳам, амални ҳам ташлаб тирақайлаб қочишга шай бўлиб туришади доим.

Бугун золимлар бу иқтидорда қоламан, жазо олмайман, бизнинг ҳукм доимий деб ўйлашмоқда ва мазлумларни аёвсиз эзмоқда.

Бироқ шундай кунлар келадики, мазлумларнинг қонли ёш тўккан кўзлари порлаяжак, маишат ва ҳаромдан семирган ва жаҳолатга тўлган золимларнинг кўзлари эса ўйилажак.

Чунки дунёнинг ҳақиқати шундай. Шунинг учун золимлар зулми ҳеч биримизни кўркувга солмасин, зотан, ҳақиқатни кўриб турган ва уни барпо қиладиган Зот адолати, лутфи ҳар нега қодир, ҳамма нени тартиблаш Унинг учун ҳеч қандай муаммо эмас.

Абдуллох Нусрат

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Бош вазир ўринбосари, айни пайтда “Ўзавтосаноат” АҚ бошқарув кенгаши раиси, 46 яшар Улуғбек Рўзиқулов ўтган жума кuni вақтинча ишдан четлатилган. Ўзбекистон вазирлар маҳкамасидаги манбага кўра, «Рўзиқулов GM Uzbekistan ширкатида олиб борилаётган тергов иши давомида суроқ бераётгани боис ўз аризасига кўра, вақтинча ишдан озод қилинган».

Бош вазир ўринбосари терговга тортилгани ҳақида гапирган яна бир манба ўтган ҳафта МХХнинг махсус гуруҳи тарафидан қўлга олиниб, тергов қилинаётган GM Uzbekistan Бош директори Тоҳир Жалилов ўзидан юқори мулозимларга қарши

Бош вазир ўринбосари вақтинча ишдан четлатилган

кўрсатма бера бошлаганини ҳам иддао қилди.

Айни манбанинг айтишича, тергов кетаётгани боис Рўзиқуловнинг дипломатик паспорти олиб қўйилган.

Материал чоп қилинаётган 9 май кuni Рўзиқулов исми Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари сифатида ҳукумат Интернет порталидан олиб ташланмаганини қайд этиш лозим. Унинг ҳибс қилингани ҳақида расмий маълумот йўқ.

“Ўзавтосаноат” идораси матбуот

хизмати “Улуғбек Рўзиқулов лавозимидан четлатилгани ва GM Uzbekistan Бош директори Тоҳир Жалилов қамоққа олингани” тўғрисидаги «Озодлик» радиоси сўровига жавоб қайтармади.

Бундан олдин Ўзбекистонда GM Uzbekistan иши бўйича ширкат бош директори Тоҳир Жалиловдан ташқари яна камида 10 одам ҳибсга олингани ортидан “Ўзавтосаноат” бошқарув раиси, Ўзбекистон бош вазирининг ўринбосари Улуғбек Рўзиқуловнинг ҳам терговга чақирилгани ҳақида «Озодлик» радиоси манбалари ўз тасарруфидидаги маълумотларга таяниб, билдирган эди.

УХХ хабарлар бўлими

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Масжидлардан бирининг дарвозасига осиб кўйилган эълонда «норасида болалар»ни Ислом пайғамбаридан қолган ҳадис асосида «масжиддан йироқ қилинг» дейилган. Масжидга кириш ва ибодат қилишга оид 14 қонданинг сўнггисига асос қилиб келтирилган ушбу ҳадис матни эса, «Озодлик» радиосига мурожаат қилган муштарий ва бу борада шарҳ берган аҳли-илмга кўра, заифдир.

Фотонусха йўлланган эълон матнида шундай дейилади:

«Расулоллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: масжидларингиздан ёш болалар мажнунлар (ақли заиф кишилар)ни йироқ қилинглар!»

Ушбу эълон акс этган суратни йўллаган ўзбекистонлик муштарий мана бу жумлаларни илова қилган:

«Ўзбек масжидларидан ёшлар заиф ва тўқима ҳадислар билан қайтарилмоқда. Ибн Жовзий ва бошқа уламолар бундай ҳадислар саҳиҳ эмаслигига фатво беришган».

Муштарийга кўра, бундай эълонлар шу кунларда аксар масжидлар дарвозасига илинган ва ана шу ҳадис асосида масжид ходимлари намозга келаётган болалар — кичик гўдаклардан тортиб 16-18 ёшгача бўлган ўсмир болаларни ортга қайтармоқда.



Тошкентлик аҳли-илмлардан бири исмини айтмаслик шarti билан масжидлар пештоқига илинган ҳадис тарихи ва унинг масжид масъуллари томонидан қўлланишига ўз муносабатини билдирар экан, «масжиддагилар динни суистеъмол қилишмоқда», деб фикр билдирди.

— Бу ҳадис заиф ҳадис. Ибн Можада ривоят қилинган. Бу ривоятни Ибн Жавзий: «Саҳиҳ ҳолда ривоят қилинмаган ҳадис», деган. Бу киши Ибн Таймиянинг шогирди бўладилар. Яна Ҳофиз ибн Ҳажар деган машхур муҳаддис бор: «Бу ҳадиснинг барча санадлари заиф», деганлар. Яна бир Ажлуний, деган машхур муҳаддис бор, у киши ҳам ҳадиснинг санадини



Ҳадис заифми ёки Каримовчи муллаларнинг ақли заифми?

заиф, деган. Лекин, бу ҳадисни қувватловчи туруклари бор, деган. Яъни, уламолар бу ҳадисни шарҳлаганида айтишганки, ёш болаларни масжидга пайғамбаримиз чақиргани ҳақида ҳадис йўқ, қайтаргани ҳақида ҳам йўқ. Бу каби ҳадисларда масжидда кириб, намозни қадрини билмай ўйинқароқлик қиладиган, тушунмайдиган болалар назарда тутилган. Лекин, яна қаттиқ таъкидланганки, ёш болаларнинг қалбига масжиднинг хурматини ёшлигидан синдириш керак. Шунингдек, буни тушуниб, намозни қадрлайдиган савияга етган бўлса, масжиддан тўсмаслик керак, — дейди исмини ошкор қилмаётган ўзбекистонлик аҳли илм.

У Ўзбекистонда бундай ҳадислар асосида 15-18 яшаргача болаларнинг масжидга кўйилмаслигини «шаръий жиҳатдан оқлаб бўлмади» деб баҳолади:

— Бунақа нарса шариатда йўқ. Буни ёзаётган одамлар эртага қандай жавоб берадилар — мен буни билмайман. Аммо, буни оқлаб бўлмади. Ҳадисни заиф, деб ташлаб юбориш ҳам нотўғри ва айнан шу ҳадис масжидга зарар берадиган, намозга халақит қиладиган гўдакларга тегишли. Мактаб ёшидаги болалар эса масжиддан қайтарилмаслиги керак. Ўзбекистондаги бу ҳолат — ҳадисни суистеъмол қилиш, дейилади, — дейди суҳбатдош.

Ўзбекистонда масжидларга 17 ёшга тўлмаганларни киритмаслик ҳолатлари йиллардан

буён кузатиб келинмоқда. «Озодлик» радиоси билан суҳбатлашган диндорлар бу кампанияга масжид ва таълим муассасалари ҳамда ИИВ ходимлари жалб қилинганини айтмоқда.

Аксар таълим масканлари ходимлари болаларни дарсдан қолмаслиги важи билан уларни жума намозига юбормаслик талаб қилинаётганини айтишган.

Аммо, шу пайтгача 18 ёшга тўлмаганларни масжидга киритмасликка диний асос кўрсатилмаган эди.

Шунингдек, Рамазон ойларида Тошкент шаҳрида ўқувчиларнинг жума намозларига бормасликлари учун дарс соатлари узайтирилгани, айрим мактаб ўқитувчилари масжидлар олдида навбатчилик ҳам қилгани кузатилган.

Тошкентдаги мактаблардан бирининг ўқув ишлари бўйича мудири «Ўқитувчилар, маънавиятчилар масжидга бориб, кузатади. Жума кунлари жуда қаттиқ давоматни оламиз. Ота-оналари масжидга борадиганлар бизда ҳаммаси учётда» деган эди.

Ўзбекистонда нафақат мактаблар, балки олий ўқув юрти ва махсус таълим муассасалари талабаларининг ҳам масжидларга боришлари қаттиқ назорат қилинади.

Ўзбекистон ҳукумати расмийлари бу чекловларини билвосита тан оладилар ва буни ёшларнинг турли диний оқимларга берилиб кетишини олдини олиш мақсади билан изоҳлайдилар.

ЎХХ хабарлар бўлими



Елена Урлаеванинг ҳаёти хавф остида

Мана, икки ойу 6 кун, аниқроғи 68 кундирки “Альянс” инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти етакчиси Елена Урлаева сафимизда йўқ.

Ҳар галгидек Елена Михайловна 2016 йилнинг кўкلامي ҳам руҳий касалликлар шифохонасида кутиб олди. Аниқроғи Ўзбекистондаги энг етакчи инсон ҳуқуқлари соҳасининг ледирини шунга мажбур қилишди.

Елена Урлаеванинг руҳий касалликлар шифохонасига банди этилганлиги хусусида унинг энг яқин сафдошларидан бири сифатида аллақачонлар маълум қилишим керак эди. Шарт эди.

Қилишим керак бўлган ишни ўз вақтида амалга оширмаганлигим учун энди пушаймон бўлиб ўтирибман.

Урлаеванинг руҳий касалликлар шифохонасининг асриасига а й л а н т и р и ш г а н л и к л а р и н и илгарироқ кенг жамоатчиликка, оммага етказганимда, эҳтимол, Елена Михайловна руҳий касалликлар шифохонасида бу қадар узоқ муддат, 68 кун қолиб кетмаган бўлармиди деган ўй кўнглимни кемирмоқда.

Негаки, Урлаеванинг руҳий касалликлар шифохонасига тушиб қолиши касаллиги билан боғлиқ эмаслигини ҳам, шунчаки тасодифий эмаслигини ҳам яхши билардим.

Елена Урлаевага ғолиблиги хусусидаги хабар анча илгари, февралнинг биринчи ўн кунлигида етиб келганди.

“Тақдирлаш маросимида мукофотни шахсан қабул қилиб

олиш учун ғолиблар АҚШга бориши керак экан” дедилар бир кун Елена опа.

— Сизда ОВИР йўқ-ку? Бораолмай қолишингиз мумкин. Менга ҳам берилмаяпти. Келинг, ОВИР беришларини талаб қилиб Ички ишлар вазирининг қабулига борамиз?, — таклиф қилдим Урлаевага.

Иккимизнинг номимиздан талабларимиз битилган ариза битиб, 9 февраль куни Ички ишлар вазирлигига боргандик. Қабулхона олдида пикет ҳам ўтказгандик.

Шу куни хайрлашиш олдида 12 февраль куни Бш прокуратура ва МХХга шикоят ариза олиб бориб топширишга келишиб, хайриладдик.

12 февраль куни учрашув белгиланган жойда бирмунча кутиб қолишимга тўғри келди. Шунда телефоним жиринглади. Гўшакни кўтарсам, Елена опа экан:

— Кечиринг, мен сизни куттириб қўядиган бўлдим. Мен белгиланган муддатларда руҳий касалликлар шифохонасидан истеъмол қилишим мажбурий бўлган дориларни бориб, қабул қилиб олишиб керак бўлади. Ҳали қарасам, бу галги муддат ўтиб кетмоқда. Мен аввало, руҳий касалликлар шифохонасида шифокорлар томонидан буюрилган дориларни имзо қўйиб, олиб келишим керак. Ўз вақтида бор олмасам, кечикгудек бўлсам, улар мени жинниҳонага куч билан олиб бориб ёпиб қўйишади. Шу сабаб мен темир йўллар вокзалига кетаяпман, шифохонага. Дориларни оламану, тезда қайтаман, кутиб туринг, —

дедилар.

Улар айтганларидек, кутиб турдим. Уша куни Урлаева касалхонадан кечроқ қайтганликлари сабабли биргина Бош прокуратурага шикоят топширгандик. МХХ идорасига киришга улгурмагандик.

— Мана, бўлди, энди қутилдим, — дегандилар ўшанда Урлаева.

— Елена опа, дориларни қабул қилиб юрманг яна, — ўзимча ақл ургатган бўлдим.

Режадаги ишларни уддалагач, хайрлашдик.

Қиш кнулари ҳамиша бирга эдик. Гоҳ Урлаеванинг уйларида, гоҳ бизникида турли шикоятлар, хабар ва мақолалар устида ишлардик, ҳуқуқлари топталган фуқароларнинг арзини тинглардик.

Деярли ҳар куни кўришардик. Елена Михайловна гоҳро бизникида тунаб қоларди.

Бирга юрган кезларимизда, уйимизда тунаб қолган паллаларида Елена Михайловна ўша, руҳий касалликлар шифохонасидан келтирган қандайдир дориларини вақти-вақти билан қабул қилиб турардилар. Ушандагина Елена Михайловна менинг маслаҳатимга амал қилмаётганликларидан хабар топдим. Бирок эътироз билдиришни ўзимга эп кўрмагандим....

Орадан кўп ўтмай, 2016 йилнинг 7 март куни Елена Михайловнани руҳий касалликлар шифохонасига ётқизишганликлари ҳақида эшитдим....

21 март арафасида Урлаевадан хабар олиш мақсадида шифохонага бордим. Кириштирмади. Ҳатто панжара тортилган эшик ортидан кўришишга ҳам рухсат тегмади.

Иккинчи гал ҳам шу аҳвол, яна кўришишга изин тегмади. Оқбиатда, тахталар қоқиб, маҳкамлаб ташланган 5-6 та деразалар тагида туриб, “Елена Михайловна, шу ердამисиз? Яхшимисиз?” деб овоз беришга мажбур бўлдим. Бу ҳаракатимдан ҳақратланганлар мени аниқ “томи кетиб қолганми нима балло?” деб ўйлашлари тайин эди....

Кейин яна эшикка бордим. Овозимни эшитган Урлаева буриб чиқди.

— Сизмидингиз? Булар менга “Сизни сўраб қандайдир Ширин исмли аёл келиб-кетишди” дейишганди-ку. Нима гаплар? — дейишга улгурдилар холос. Шу пайтда шифокор аёлнинг “Эшикни беркитинг!” деган амри эшитилди. Ҳамшира бўйруқни бир зумда адо этди. Охирги бор Урлаевани ўшанда кўрганам. Бошқа кўришишнинг имкони бўлмади.

Елена Михайловнанинг руҳий

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

касалликлар шифохонасига
ётқизишганликлари ҳақида
туғишганларининг илтимоси билан
сукут сақлаб юргандим.

Арель ойининг ўрталарида
Урлаева кимнингдир мобил
телефонидан Шўҳрат Рустамовга
сим қоқиб, “Эшонқуловага айтинг,
мени мажбурий тарзда тутиб
туришибди” дейишга улгурганлар
холос.

Урлаеванинг туғишганлари
“Еленанинг касалхонада эканлиги
ҳақида хабар тарқатишингиз унинг
у ерда узоқ қолиб кетишига олиб
келади” деган эътирозлари сабаб
фойдамдан кўра кўпроқ зарарим
тегиб қолишидан кўрқиб, жим
эдим. Шу бугун Е. Михайловнанинг
онасига сим қоқиб, ҳол сўрадим,
йиғладилар: “Еленам ҳамон йўқ.
У касалхонада пайтида ҳамма
қочиб кетди. Уйда эканлигида,
очикди эканлигида юзлаб
одамлар келарди. Утирардинлар,
ёзардинлар, ишлардинлар,
ёрдам сўрардинлар... Энди...
Ҳеч ким сўрашга ярамайди. Ёрдам
қилмаяпсизлар. Еленани мажбуран
олиб ўтиришибди. Бу ҳақда
бирортанг ёзмаяпсизлар” дедилар
хафа бўлиб. Онанинг йиғисига
кўнглим бузилди...

— Елена Михайловнани
мажбурий тарзда руҳий касалликлар
шифохонасига ётқизишганликлари
ҳақида хабар тарқатаман
деганимда, бошида қаршилик
қилгандингизлар, шунинг учун ҳам
ноилож қолгандим, — дедим...

Ҳар гал Елена Михайловнани
узоғи билан бир ойга қолмай қўйиб
юборишарди.

Бу гал Халқаро ташкилотлар
беҳабар қолганликлари сабаб
ҳам асиралик муддати ниҳоятда
чўзилиб кетди деб ўйлайман.

Аmmo айтмоқчи бўлганим бу эмас.
Бошқа.

Айтингчи, руҳий касалликлар
шифохонасидан истеъмол қилиши
мажбурий бўлган дориларни олиб
келиб қабул қилганидан кейин нима
учун Урлаевани руҳий касалликлар
шифохонасига ётқизишга мажбур
бўлишди? Қандай дори эди у
инсон руҳиятига салбий таъсир
кўрсатадиган?

Айни дамда Елена Урлаевага
Халқаро ташкилотларнинг,
Ўзбекистонда фаолият олиб
бораётган элчихоналар, дипломатик
корпус вакилларининг кўмаги жуда-
жуда зарур. Елена Михайловнанинг
хаёти хавф остида.

“Альянс” инсон ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш ташкилоти ледирига
кўмак қилишга шошилмаса, кейин
кеч қолишимиз мумкин.

Малоҳат ЭШОНҚУЛОВА
мустақил журналист, ҳуқуқбон



Етти соатда таъмирдан чиққан президент трассаси

Кўп ҳолларда ўзимиз ҳам ўзбек
халқ ҳеч нарсани билмаяпти, жим
яшаяпти, фикрламаяпти деб кўямиз.
Бироқ ялангоёқ қора халқ деган
“истилоҳлар” ила сифатланган
миллатимизнинг оддий вакили
ҳам, керак бўлса, вазиятни шу
қадар тиник таҳлил қилиб кўядики,
оғзингиз ланг очилиб қолади.

Тақозо билан такси тутдим.
Манзилга бориш учун президент
трассасидан юрдик. Йўл текис
ва қоп-қора эди. Яқинда асфальт
қилингани сезилиб турибди.

Таксистни гапга тутдим:

—Яқинда бу ердан ўтганимда йўл
асфальтланмаган эди-я...

—Ҳа, — гапимни тасдиқлади
таксист. — Шанба кунни кечқурун
(2016 йилнинг 7 майини назарда
тутди — Абдуллоҳ Нусрат) клиент
билан келаётсам, бу йўл ёпик.
Қарасам — иш қизгин: йўлга
асфальт ётқизишяпти. Соат кечки
саккизлар атрофида эди. Кейин
эрталаб олтилларда яна шу томонга
юришимга тўғри келди. Тавба!
Йўлни чиннидек қилиб асфальтлаб
қўйишибди!

Мен ўзимча маънодор гап
қилдим:

—Ана, кўрдингизми
қудратимизни! Давлатимиз
шу қадар кучли! Бир кунда юз
километрлаб йўлни асфальтлаб
ялтиллаб кўяди!

Таксист гапимнинг тагидаги
нимкосони тушунмади, шекилли,
энасаси қотди:

—Ҳа, шунақа денг...

Мен эса яна давом этдим:

—Аmmo Тошкентнинг
бошқа кўчалари ўн йилда ҳам

асфальтланмайди-я... Тавба...
Бу йўл саккиз соатда ремонтдан
чиқади, қишлоқларники эса
дабдала... Нимага шунақа экан-а...

Таксист тушунтира кетди:

—Биз ўзбекларда одамлар
қанақа, биласизми? Масалан,
битта маҳаллада бир бойвачча бор
дейлик. Унинг пули кўп. Шу одам
кўчани асфальтлатса, нима қилади,
биласизми? Деворининг тагинию
мошинаси юрадиган йўлни
асфальтлатади. Маҳалланинг
бошқа кўчаларига ярим арава шағал
ҳам туширмайди. Шунга ўхшаб
кимнинг пули бўлса, ўзига тегишли
худудни асфальтлаб олади-да!

Ичимда: “Воҳ!” — деб юбордим.
Чунки бу гап президент трассаси
ҳақида айтилаётган эди ва айнан
гап кимга қаратилгани ҳам маълум
эди! Мен ҳам гап қистирдим:

—Маҳалла-қўйга ёрдами
тегмаётган бойваччага одамларга
нафинг бўлмаса, даф бўл дейдиган
одам топилмайди-да а?

...Хуллас, ана шунақа! Каримов
режими катта кетмаса ҳам
бўларкан. Пасткашлик қилиб ўз
юрадиган йўлни асфальтлаб олиб
бошқа кўчаларни тошу той ичида
қолдирган президентга халқнинг
муносабати шаклланиб бўлган.
Одамлар “муҳтарам юртбоши”нинг
асл башарасини кўриб улгуришди.
Йигирма беш йиллик безбетлик,
йигирма беш йиллик уятсизликнинг
бадали оғир. Ўзи юрадиган йўлни
ремонт қилиб, маҳалланинг
кўчасига қарамайдиган бойвачча
ҳайдаб солинадиган вақт ҳам узоқ
эмас, иншаОллоҳ.

Абдуллоҳ Нусрат

(Жазирамада қатағон изғирини)

Ўзбек МХХ “тозалаш” ишларини бошлади. Номи сир тугилаётган янги бир қатағон операцияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтидан бошланди.

2016 йилнинг 6 май – жума куни мазкур илм даргоҳига МХХ ходимлари кириб келишди ва ўзларида ҳеч қандай электрон манба йўқлигини кўрсатишди.

Бу билан улар биз компютерингларни ҳалол текшираемиз, уларнинг ичига “ноқонуний” материалларни солиб кўядиган аҳмоқ эмасмиз деган бўлишди. Сўнг институтдаги ҳар бир компютер бирма-бир текширила бошланди. Ходимлар интернет браузерлари орқали олимларнинг қайси сайтларга кириши ва кимлар билан хат ёзишиб туришларини аниқлашга киришдилар. Компютердаги ҳар бир манба – агар араб тилида ёки алифбосида

**ЮРИШ БОШЛАНДИ**

бўлса, урди Худо! – диққат билан ўрганилди. Ходимларнинг муомаласи ўта мулойим ва айна пайтда ўта таҳдидли эди.

Браузерларнинг хотираси ўрганилди, кирилган сайтлар маълум бўла бошлади. Бир ходимда Қуръон топилди. Диний адабиёт сифатида мумкин эмас-ку деб дўқ қилинди. Бир олимнинг компютериде эса қўлёзма матнларнинг факсимилеси электрон китоби чиқди – текшириш учун олдилар.

Жараён шу қадар кутилмаганда ва тез содир бўлики, ҳеч ким ўз компютеридан Қаримов режими учун хавфли кўринадиган бирор манбани ўчириб ташлашга улгуришмаган эди. Қолаверса, ўчирилган манбаларни ҳам тиклаб текшираемиз деган бир дўқлаш ҳам бор эди.

Филология фанлари номзоди Сирдарёхон Утанова исми олима – жаззахлик – Туркиядаги ўзбек олимлари, хусусан, машҳур кўшиқчи Дадахон Ҳасаннинг ўғли Нодирхон Ҳасан билан ўзаро ёзишмалар олиб бориши маълум бўлган. Сирдарёхон яна бошқа олимлар билан ҳам хатлашиб турган.

Чунки у ўтган йилларда Туркияда бўлиб ўтган илмий анжуманда қатнашган ва у ерлик олимлар билан адрес алмашган эди. Табиий, илмий бир суҳбатлар ўтказиб туради. Аммо бу МХХ ходимлари учун хатарли туюлди ва улар Сирдарёни шубҳа остига оладилар ҳамда бу ҳақда ҳеч кимга айтмаслик

шарти билан институт директорини огоҳлантирадилар.

Шунингдек, бу каби текширув гуруҳлари бошқа таълим идораларига юборилиши кутилмоқда. Энди Ўзбекистонда одамлар нафақат сўз айтишдан, балки фикрлашдан ҳам маҳрум қилинмоқда. Улар ўқиётган китоблари, сақлаётган манбалари учун жавоб беришларига тўғри келади. Халқ ҳаракати, Озодлик,

эканини аниқлаш учун у ёзган мақола матнлари диққат билан ўрганилмоқда, гумондорлар рўйхати шакллантирилган, гумондорларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, учрашувлари ҳужжатларга тикилмоқда. Бизда бу рўйхатнинг бир нусхаси мавжуд. Рўйхатда юқоридаги университет ва ўқув юртларининг профессорлари, магистрлари, талабалари номлари бор.

Бундан ташқари Гўрўғли таҳаллуси билан шеър ёзаётган Мўҳсин Солиҳ номли шахснинг ҳам кимлигини аниқлаш ҳаракати бошланган. У Ўзбекистондаги исёнкор ёш шоирлар ва ишдан четлатилган баъзи адиблар бўлиши мумкинлигини таҳмин қилинмоқда.

Қизиқ жиҳати, тақиқланган материаллар сифатида китоблар, маърузалар, видеолар кўриларди, аммо ҳозир бу ерда тақиқланган қўшиқ деган банд пайдо бўлган. Бу

ББС ва бошқа муҳолиф сайтларнинг муштарийлари аёвсиз жазоланиши кутилмоқда. Шунингдек, прокси ўрнатилган компютер эгалари ҳам яхшигина жаримага тортилади.

Бу, маълумотларга қараганда, МХХнинг шу йил сентябр ойига қадар якунлашни назарда тутган операциясининг бошланиши. Яқин орада Ўзбекистон ТВда ўзи олим ва илм бўла туриб, Ватанга хоинлик қилганлар ҳақида кўрсатувлар эълон қилинади.

Республика МХХ олдида катта вазифа турибди: Ўзбекистон Халқ ҳаракатига мойил бўлган, унинг ғояларини тарғиб қилаётган, Мўҳаммад Солиҳни танийдиган барчани – ким бўлишидан қатъий назар – кескин чоралар асосида фаолиятдан четлатиш!

Рейд уюштирилиши кутилаётган таълим даргоҳлари – Ўзбекистон Миллий университети (филология факультетлари), Низомий номидаги Тошкент педагогика университети (Ўзбек тили ва адабиёти факультети), Тошкент юридик университети, Тошкент ислом университети ва институти, Ислоний таълим юртлари (Кўкалдош, Мир Араб ва бошқ.).

МХХ Ўзбекистон Халқ ҳаракати билан алоқада бўлиб турган ва мамлакат ичкарисидан туриб мақола ёзиб бераётган одамларни топиб йўқ қилишни мақсад қилган. Хусусан, рўйхатнинг аввалида Абдуллоҳ Нусрат турибди. Бу таҳаллус остидаги шахснинг ким

банд пайдо бўлиши бош сабаби эса Абдулазиз Каримдир. Унинг барча қўшиқлари тақиқланди ва ким уни тингласа ёки сақласа, жиноятчи ўлароқ қабул қилинади.

Мазкур маълумотлар Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг Республика МХХда ишлайдиган аъзоси томонидан тақдим қилинди ва телефонларни, компютерларни титиш, уларда Нуруллоҳ Мўҳаммад Рауфхоннинг “Бу кунлар” сиёсий романини ҳамда бошқа манбаларни излаб топиб, айбдорларни маҳкамага тортиш жараёнлари ҳақида хабар бериб борамиз.

Ҳукумат қатағон йўли билан яна уйғонаётган ҳурриятни, одамлар орасидаги ўзгача бир тафаккурни ўлдирмоқчи, йўқ қилмоқчи.

Хусусан, ёшларнинг катта қисмини инкор этиб бўлмас айблар билан қамаш планлари тузилган. Бу билан жорий диктатура ўз умрини узайтирмоқчи.

Аммо у, иншаОллоҳ, ўз ниятига ета олмайди. Зотан, улар макр қилувчи бўлса, Оллоҳ уларга шундай макр қиладики, чорасини ҳеч қачон топа олмайдилар.

Фейсбукда фаол қатнашиб келаётган бир ёш йигит диктаторларнинг бошқалардан афзаллиги – у ўз умрининг тугаётганини ҳаммадан аввал билади деб ёзди. Бу айна ҳақиқат. Каримов режими навбатдаги бу қаттол операцияси жон бериш олдидаги талвасани эслатмоқда.

Абдуллоҳ Нусрат



Қирғизистондаги сиёсий ўйинлар...

Сўнги пайтларда давлатда олиб борилаётган сиёсатдан норози тарафларнинг бирлашуви кузатилаётган бўлсада, лек улар тарафидан аниқ бир дастурнинг йўқлиги сезилмоқда.

Жорий ойнинг бошида ҳукумат бошчиси этиб тайинланган оғир вазни 5 йил давомида Ўш вилояти губернатори бўлиб ишлаган Сўрўнбай Жээнбеков, аввалги бош вазирлар эплэй олмаган ишларни удалай оладими деган савол, сиёсий доираларнинг асосий мавзуларидан бирига айланган.

Сўнги 5 йилда Қирғизистон Жўғўрку Кенгашини спикер сифатида бошқарган укаси Асилбек Жээнбеков, ўз акасини ҳукумат бошчиси этиб тайинланиши ортидан лавозимидан четлашга мажбур бўлди.

Ака-ука Жээнбековларнинг юқори лавозимларга президент Алмазбек Атамбаев билан яхши муносабатлари ортидан эришилгани айтилади.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловлари натийжасида Жўғўрку Кенгашга депутат бўлиб сайланган халқ вакиллари ҳам иктидордаги президент ва ҳукуматни танқид қилиш у ёқда турсин, ўз фикрларини тўғри ифода эта олмаётганликларини кузатиш мумкин.

Собиқ президентлар Аскар Акаевнинг “Олга Қирғизистон” ва Қурмонбек Бакиевнинг “Оқ йўл” партиялари ҳукуматнинг барча тармоқларини эгаллаб, халқ манфаатидан кўра, шахсий манфаатларини устун қўйган бўлса, бугунги кунда ҳам президент Алмазбек Атамбаев бошчилигидаги

“С о ц и а л Д е м о к р а т л а р” партияси аъзолари давлатни ўзлари хоҳлагандай бошқариб келмоқда.

Давлатдан бир сўм олмасдан, ўзларининг кучлари билан хорижий ўқув юртларида билим олган ва халқаро ташкилотларда ишлаётган ёш, иктидорли мутахасисларни

йирик микдорда жаримага тортиш одатий холга айланган.

Бундай кўнгилсизликлар билан дуч келишни истамаган “мустақил” журналистлар, кеч бўлмасдан аввал давлат билан ҳамкорликка бормоқдалар ва табиий улар президент Атамбаев тарафидан “Сўз эркинлигига хисса қўшгани учун” тақдирланмоқдалар.

Мустақил дея аталувчи “сарик рўзнамалар” қирғиз сиёсатчиларининг бир-бирларини кирдикорларини ошкор этишдаги маълумот хуружи воситасига айланган. Ваҳоланки, уларда ёзилаётган маълумотлар маълум вақтдан кейин ўз тасдиғини топмоқда.

Сўнги пайтларда қатор халқаро ташкилотларнинг йиллик ҳисобот ва рейтингларида Қирғизистон бир неча қуйи поғоналарни эгаллаганини кузатса бўлади. Жумладан Америка Давлат Департаментининг йиллик ҳисботида Қирғизистон “Инсон ҳақлари паймол этилаётган” давлатлар қаторига қўшилган.

Россия Давлат Думаси қабул қилган “Хорижий агент” қонунини кўчириб олган Қирғизистон Жўғўрку Кенгаши депутатлари ҳар замон уни қабул қилишга ҳаракат қиладилар.

Халқаро ва нодавлат ташкилотлар танқиди натийжасида ҳозирча қабул қилинмаётган бу қонун лойиҳаси маълум вақтдан кейин қабул қилиниши мумкин.

Икки йил аввал Америка Қўшма Штатлари билан 1993 йилда имзоланган ўзаро ҳамкорлик шартномаси қирғиз ҳукумати тарафидан бир тарафлама тўхтатилгани ортидан, Қирғизистон Россияга батамом яқинлашгани маълум.

Ва бунинг салбий оқибатлари натийжасида бугунги кунда оддий халқ жабрланмоқда. Асосан иктисодий инқироз туфайли силласи қуриган аҳолининг аксарияти, кундалик хаёт кечириш билангина чекланмоқдалар.

Юқоридаги салбий кўринишларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилиб, ислохотлар олиб борилмас экан, халқнинг сабр косаси тўлиши натийжасида Қирғизистонда навбатдаги ҳокимият алмашинуви юз бериш эҳтимоли йўқ эмас.

ЎХХ ахборот бўлими

Ҳақиқатни кўмиб бўладими?

Албатта, йўқ.

Майли, кўмишди дейлик, аммо у барибир ўсиб чиқади.

Муҳаммад Солиҳ ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида миллатнинг йўлбошчиси эди. Бутун мамлакат уни танирди, унга халқ эргашишга тайёр эди.

Муҳаммад Солиҳнинг нутқлари минглаб қалбларни бир зумда забт этар эди. У Каримов каби бировлар ёзиб берган матнни кўтариб минбарга чиқмаган, балки одамларга айтажак сўзларини ўзи ижод қилар, жумлаларни таҳрирлар ва айтажак гаплари орқали, албатта, камида инсонлар онги ва қалбида бирор ижобий ўзгариш бўлишига чин дилдан ишонарди.

Самимий инсон ҳеч қачон гапим қандай чиқди деб ўйлаб юрмайди. Чунки у ичида борини гапирди. Ўзини бўяб яхши кўрсатмайди. Муҳаммад Солиҳнинг интернет сайтларида тарқалган “Мусича эмас, халқ уйғонмоқда!” номли нутқини тинглаган одам самимийликни, жасоратни кўради. Агар тингловчи адолатли бўлса, бир зумда нотикнинг салоҳиятини англайди ва тўғри баҳолайди.

Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг Ўзбекистон ичидаги фаоллари анча вақтдан буён сокин, аммо фаол ишляптилар.

Биз улардан ахборотлар, ишончли маълумотлар олиб турибмиз. Хусусан, мактаб, коллеж, лицей ва университетларда ёшларнинг телефон ва компютерлари титқиланаётгани дараги келяпти.

Бунинг “сабаблари” кўп. Масалан, ҳукумат одамлар телефонидан диний материаллар, ўз сиёсатига қарши қаратилган фикрларни ахтаради. Аммо шу кунларда, бугун асосан икки нарса изланыпти:

1) Доимгидек, Муҳаммад Солиҳга мансуб бирор нима ва Ўзбекистон Халқ ҳаракати материаллари.

2) Яқиндан бери Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Бу кунлар” сиёсий романи; Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг “Бу кунлар” сиёсий романи ҳақида батафсил бир тақриз шаклидаги хулосаларни кейинроқ тақдим қилиш ниятидамиз.

Биз ҳозир Муҳаммад Солиҳга боғлиқ баъзи масалаларга тўхталмоқчи эдик.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган Халқ ҳаракати аъзолари Муҳаммад Солиҳ

нутқлари туширилган видеоларни вилоятларда, қ и ш л о қ л а р д а тарқатмоқдалар. Бу иш ўта эҳтиёткорлик билан амалга оширилмоқда.

Гувоҳлик беришим мумкин, бу қутилган эффеқтни берди. Муҳаммад Солиҳни аввалдан танийдиганлар ҳайратларини яшира олишмаяпти. Хусусан, в и л о я т л а р н и н г биридаги университетда ишлайдиган олима аёл шундай дейди: “Биз Муҳаммад Солиҳ



“...Муҳаммад Солиҳ билан бир сафда эдик!”

билан бир сафда эдик. Мен унинг гуруҳида у билан ёнма-ён ишлаганман. У каби ҳалол ва миллатпарвар одамни ҳаётимда кам кўрдим. Тўғри, менинг фикримча, тўқсонинчи йилларда Муҳаммад Солиҳда ҳам, унинг сафдошларида ҳам – яъни бизда сиёсий тажриба юқори эмас эди. Биз сиёсатни ҳалол бир иш деб билганмиз. Ҳалол кураш майдон деб тушунганмиз сиёсатни.

Каримовнинг ғирромлигини, қонхўрлиги ва пасткашликларини тасаввур ҳам қилмаганмиз. Муҳаммад Солиҳ ва унинг сафдошлари – бизнинг сиёсий хатоимиз ўша пайтда Каримов ҳукуматидан ҳалолликни кутганимиз бўлган, яъни ҳукумат оппозиция талабларига кўнади деб ўйлаганмиз.

Каримов ва унинг ҳукуматига ошқора митинглар, ошқора намойишлар билан қарши чикмадик, унинг истеъфосини талаб қилмадик, билишимча, бу ишга Солиҳ ҳам рози бўлмаган, яъни одамлар жабр кўрмасин, қон тўқилмасин, деган.

Ўша пайтда Солиҳнинг тарафдори ўлароқ намойишга чиққанамизда хато бўлмас эди. Чунки Солиҳнинг тарафдори бўлиш – халқнинг тарафдори бўлиш эди. Чунки Солиҳ халқнинг иродасини, дарду ғамини ўзида ифода қила олган арбоб. Яна айтаман, хатоимиз Каримов ҳукуматига куч борида, имкон борида қаттиқ қаршилиқ қилмаганамиз, уни, керак бўлса, ағдариб ташламаганамиздир.

Агар ўша пайтда Солиҳ хўп деганида, балки бошқариб

турганида, Каримов ҳукуматини биз ағдарар эдик. Уни истеъфога чиқаришга мажбурлардик. Солиҳ «менинг шахсиятимни биринчи ўринга қўйманглар» дер эди. У, балки камтарлиги учун шундай деган, аммо унинг шахсиятини ҳимоя қилиш билан халққа бирор наф келар экан, нега биз бу ишни қилмаслигимиз керак? Мана, барибир ҳукуматни қаёқдаги беҳаё ва қаланғи-қасангилар эгаллаб олди. Биз жабрини тортиб ётибмиз”.

Бу “Эрк” партиясининг аъзо бўлган олима аёлнинг фикрлари.

Бунинг ичимиздан тўқганимиз йўқ.

Солиҳнинг нутқларини биринчи марта тинглаган, аммо уни аввал кўрмаган, шунчаки исми билан таниш бўлганларда ҳам, 23 йил ватандан узокда бўлишига қарамай, унга дафъатан ҳурмат уйғонмоқда: “Бу инсон жуда жиддий экан-ку!”

Университетлардан бирида ўқийдиган талаба айтадики: “Ёшим йигирма иккида. Солиҳ ҳақида унча-мунча эшитиб тураман. Оппозициядаги одам деб биламан. Устозларимиз “Солиҳ Наманганда ваҳобийларга ислом давлати қураман деб ваъда берган” деб айтишарди. Кейинчалик билсак, аслида дода шунақа деб ваъда берган экан. Бунинг видеосини ҳам кўрдик. Солиҳ эса ислом давлати қуриш мураккаб масала. Диний сиёсий тизим учун одамларда соф диний илм бўлиши керак деб айтган экан. Агар ҳолис гапирсам,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мен Солиҳнинг фикрини маъқул биламан. Лекин бунини ошкор айтиб бўлармиди? Уйланмоқчиман яқинда. Агар Солиҳни маъқулласам, гўшангадан опкичиб қамокка тикиб қўйишади-ку!” (Шу ерда суҳбатдошимиз нима учундир маъноли кулди.)

Дунёдаги энг кучли қурол нейтрон бомбаси ҳам эмас, балки фикрдир. Фикрни фикр билан енгиш мумкин. Каримовга бунини “Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат!”

деб ёзиб беришган. У бунини бир мажлисда ўқиб берган, аммо бу Каримовнинг фикр олдидаги қўрқувини озайтира олмади.

Золимлар – фикр душманларидир. Чунки фикр инсонни ҳаракатга келтиради, уни улкан ишларга ундайди. Фикр тарқалувчан ва яшовчан мавжудот. Каримов ҳукумати шунинг учун эркин фикрлардан қўрқади ва ўз айтганларига зид ўлароқ Фикрга қарши автомат, ғояга қарши қамок, маърифатга қарши жаҳолат билан курашмоқда.

Каримовлар фикр курашидан

қўрқмаганида эди, муҳолифатнинг мамлакатда эркин фаолияти учун рози бўлган бўларди.

Диннинг сиёсийлашувига қўнган бўларди. Ҳижобни тақиқламасди. Телефон ва компьютерларни титмасди. Мамлакатга ўлат каби қўрқув ва террор (дахшат) ни ёймасди. Фикрдан бу ҳукумат шунчалик қўрқадики, ўз рақиблирининг исмини тилга олишни-да, тақиқлаган, хусусан, Муҳаммад Солиҳ исмини.

Бу исм гўё уларни ёндириб ташлайдигандек қўрқадилар...

Абдуллоҳ Нусрат

Андижон шаҳар «Уйғур» жоме масжиди имом-хатиб ноиби ўзбек ёзувчиси Нурилло Отахонов (Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон) нинг “Бу кунлар” романига қарши мақолани интернетда эълон қилди.

Андижонлик 37 яшар ноиб Ботиржон Тожибоев (Ботирали Алишер ўғли ёки Ҳикматуллоҳ Иброҳим деган исмлар билан ҳам Исл.уз нашрида блоглар ёзиб туради) ўзининг ФБ даги саҳифасида “Подшога шак келтирган” ўзбек ёзувчисидан ҳазар қилганини ифода қилди:

“Охирги вақтларда шу домла ўз соҳаси қолиб, сиёсат майдонидаям чавандозлик қилгиси келиб қолди



асар Ўзбекистон ҳақида ҳозирга қадар мамлакат ичкарисида ёзилган асарлардан ўзининг танқидийлиги билан ажралиб туради дея эътироф қилинади Британиядаги ББС Жаҳон хизмати радиосининг ўзбек тилидаги саҳифасида.

“Бу кунлар” китобида Ўзбекистондаги ўзгача фикрловчилар, жумладан, диндорлар ва сиёсий муҳолифатга қарши репрессияларни қораланган.

Китоб муаллифи Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон (Нурулло Отахонов) 1955 йил 14 февралда Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги Ойимча Қақир қишлоғида туғилган.

Масжид ноиби ўзбек ёзувчисини сотқинликда айблади

чоғи, “Туркия манзаралари” рўқни остида ўз саёҳатномасини тинмай расмлари билан эълон қила бошлади. Ора-чўрада ўз ҳукумати сиёсатидан норизолигига ҳам ишоралар қилиб, кистирма гаплар аралаштириб турди. Шунда ўзи ўзбек бўла туриб туркларга маддоҳлик қилаётган бу одамдан ватанига сотқинликнинг бадбўй ҳиди анқиб қолганига ҳайрон бўлгандим” дея кириш сўзидан кейин масжид ноиби ҳужумга ўтади:

“Мана асл башарасини ошқор қилиб Фейсбукда ББС муҳбири билан ўзининг “Бу кунлар” номли фитна кўзгаувчи китоби ҳақида уюштирилган суҳбатини жойлабди. Суҳбатни эшитган ва унинг “Бу кунлар”ини ўқиган ҳар қандай ақлли одам бу одамни Исл.уз ақидасидан тўлиқ хабари йўқлиги, салафи-солиҳларнинг ўғитларидан мутлақо мосувлиги, ўз ватани ва халқига дўст эмаслиги балки кимларгадир сотилганига

шубҳасиз ишончи қомил бўлади” дея ёзғирган имом ноибининг бу гаплари тармоқда мунозарага сабаб бўлди.

Бир гуруҳ юзەرлар масжид ноибини “режим малайи” сифатида лаънатлашса, яна бир гуруҳ эса уни “шариат пешвоси” сифатида алқаган.

«Шариат пешвоси»нинг подшоши танқид этилган китоб

Андижондаги Нархоз институтини тугатиб «Уйғур» жоме масжиди имом-хатиб ноиби бўлиб ишлаётган Ботиржон Тожибоев бундан олдин “Подшолар золим бўлса ҳам танқид қилиб бўлмаслиги” ҳақида мақола ёзиб чиққан эди.

Таниқли адиб Нурулло Отахоновнинг «Бу кунлар» асарини эса Ўзбекистон президенти Исл.уз Каримов танқидидан ташқил топган.

Ёзувчининг расмий веб саҳифаси — nurullohuz.com да чоп этилган

Ёзувчи 1991-2010 йилларда Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг «Мовароуннаҳр» нашриётида бош муҳаррир, «Шарқ юлдузи» журнали таҳририятида бўлим мудири ва «Ҳидоят» журнали таҳририятида бош муҳаррир лавозимида ишлаган.

Ёзувчи шу кунларда Туркиядаги китоб ярмаркасида ўзининг турк тилига таржима қилинган китоблари тақдимоти билан боғлиқ тадбирларда иштирок этмоқда.

Eltuz.com тасарруфидаги маълумотларга, кўра, «Бу кунлар» китоби Ўзбекистонда таққиқланган адабиётлар рўйхатида тиркалган. Китоб муаллифига қарши мақолалар ёзиш борасида Фарғона водийсидаги уламолар ўзларининг СНБ даги кураторларидан тавсия олишган.

Китобни адибнинг <http://nurullohuz.com/> хос саҳифасидан ёки ушбу линк орқали кўчириб олиш мумкин

Манба: Eltuz.com

Андижон қирғини билан боғлиқ воқеалар йил ўтган сайин хотиралардан кўтарилаётгани, воқеа гувоҳлари ҳам тафсилотларни унутишга ҳаракат қилаётгани кузатилмоқда. Шу боис Андижон қирғини билан боғлиқ асосий саволлар жавобини OzodJavob орқали бир жойга тўплашга ҳаракат қилдик.

Андижонда 2005 йилнинг 13 майида нима бўлган?

Андижон. 12 майдан 13 майга ўтар кечаси. Акрамийлик гуруҳига аъзоликда айбланиб, судланаётган 23 кишининг қирқтача яқини патруль-пост батальонига ҳужум қилиб, у ердаги қуролларни қўлга киритди. Сўнгра улар шаҳардаги ҳарбий қисмга ҳужум уюштирди. Кейин қамокхонага ҳам ҳужум қилиниб, у ердан судланаётган 23 киши ва бошқа маҳбуслар озодликка чиқариб юборилди. Ўша куни ярим тунда вилоят ҳокимлиги биноси эгалланиб, шаҳар прокурори, солиқ инспекцияси бошлиғи ва бир қанча ҳарбийлар исёнчилар томонидан гаровга олинди. Расмийлар берган маълумотга кўра, ўша тунда 9 ҳарбий ҳалок бўлди.

Андижон 13 май. Эрта тонгдан вилоят ҳокимлиги биноси олдида андижонликлар йиғила бошлади. Майдон эса ҳукумат кўшинлари томонидан ўраб олинди. Тушдан сўнг майдонда, норасмий маълумотларга кўра, 10 мингга яқин одам йиғилди. Одамлар ҳукумат ва Президент истеъфосини талаб қила бошлади. Кечқурун соат 18 лар атрофида отишма бошланди. Одамлар уч томонга бўлиниб қочди. Президент Ислом Каримов кейинчалик ўтказилган матбуот анжуманида одамларга қарата ўт очишга буйруқ бермаганини айтди. Исёнчилар эса ҳарбийлар БТРлардан ва автоматлардан ҳаммани бир чеккадан ўққа тутганини билдирди.

Андижон қирғинида неча одам ўлдирилди?

2005 йил 13 май куни Андижоннинг Бобур майдонида содир бўлган қонли воқеаларда расмий Тошкент ҳисобича 187 киши, жумладан, аёллар ва болалар нобуд бўлган.

Норасмий манбаларга кўра, Андижон хунрезликлари оқибатида 1000дан зиёд одам ҳалок бўлган.

Бобур майдонидаги қонли фожиадан кейин халқаро жамоатчилик мустақил текширув ўтказишни талаб қилган, бироқ расмий Тошкент рад этган. Шу тахлит, юзлаб одам қирғинбарот қилинган 13 май фожеаси йиллар

АНДИЖОН ҚИРҒИНИ

оша сиру синоатларга кўмилганича қолмоқда.

Андижон қочқинлари кимлар ва улар қаерда?

13 май куни ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун юзлаб андижонликлар қўшни Қирғизистонга қочишга мажбур бўлди.

Бир неча ой ўтиб БМТ Қочқинлар идораси кўмагида 500га яқин андижонликлар Руминияга ўтказилди.

Кейинчалик қочқинларга дунёнинг турли мамлакатлари, жумладан, Швеция, АҚШ, Канада каби сиёсий бошпана берилди.

Акрам Йўлдошев ким?

2004 йил июнидан бошлаб Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати томонидан биттама-битта ҳибсга олинган андижонлик 23 тадбиркорнинг яқинлари, ҳамкасблари бошлаган намоёнлар пировардида 13 май воқеаларига элган эди.

Расмийлар «акрамийлар» деб атаган, бу атамани ўзлари тан олмайдиган, лекин Акрам Йўлдошевга алоқаси борлигини инкор этмайдиган андижонлик тадбиркорлардан 23 нафари 2004 йилнинг июнидан бошлаб бирин-кетин қўлга олинди ва бир неча ой давомига сўроқ қилинди.

Акрам Йўлдошев 1963 йилда Андижон шаҳрида туғилган. Андижон қирғинидан сўнг А.Йўлдошевнинг терговда берган кўрсатмаларига кўра, у дастлаб 1998 йилда 2,5 йилга озодликдан маҳрум этилган. Амнистия бўйича озодликка чиққандан сўнг иккинчи марта 1999 йилда 17 йилга қамалган. Жазони ўташ муассасаларида сил касалига чалинган. 2003 йил октябрида Тошкентдаги жазони ўташ муассасаларининг умумий шифохонаси бўлган 64/18-қамокхонага келтирилган.

2004 йилда Акрам Йўлдошев ва унинг шерикларига қарашли 11 корхона ёпилиб, уларнинг раҳбарлари ҳибсга олинган.

А.Йўлдошев ўз кўрсатмасида Андижон туманининг Оқёр қишлоғида акрамийлар ва милиция ходимлари ўртасидаги жиддий жанжалдан сўнг жиҳод бошлашга фатво берганини таъкидлаган.

23 тадбиркор қаерда?

12 майдан 13-га ўтар кечаси Андижон турмасига қилинган

ҳужумдан сўнг бошқа маҳкумлар қатори 23 тадбиркор ҳам қамокдан озод қилинган эди.

Ўша куни қамокдан чиқиб кетган 23 кишининг 15 нафари кейин яна қўлга олиниб, қамалган, бири қазо қилган, яна бири бедарак йўқолган.

Баъзилари Андижонни ташлаб чиқишга улгурмаган, баъзиларини Ўзбекистон махсус хизмати қўшни давлатлардан ушлаб олиб кетган.

Шу кунда ҳам улар қамокда. Ҳар ҳолда бу гапни инкор этадиган бошқа маълумот йўқ.

23 тадбиркордан 6 нафари дунёнинг турли бурчакларидан сиёсий бошпана олишган. Улардан бири Швецияда, уч нафари Ҳолландияда, бири Финляндияда, яна бири АҚШда яшайди.

Андижон қирғини бўйича санкциялар?

2005 йил ноябр: Европа Кенгаши Ўзбекистон ҳукуматига нисбатан санкция жорий қилди. Бир йиллик муддатга жорий қилинган жазо чораларининг биринчи пункти ўларок, Андижонда намоёнларга қарши ёппасига ўт очиш ва номутаносиб куч ишлатилиши учун масъул бўлган ҳамда қонли воқеалар юзасидан мустақил тергов ўтказилишига тўсқинлик қилаётган Ўзбекистон расмийларининг Европа иттифоқи ҳудудига киритилиши таққиланди.

Қора рўйхатга Ўзбекистон президенти киритилмаган бўлса-да, унга ўша пайтдаги Ички ишлар вазири Зокиржон Алматов, Мудофаа вазири Қодир Ғуломов, ҳозирда ҳам амалда қолаётган Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятов каби расмийларнинг исмлари киритилган эди.

2006 йил ноябр: Европа кенгаши Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазиятининг яхшиланмагани ва қонли воқеалар юзасидан мустақил текширув ўтказишга имкон берилмагани боис санкциялар жумласидан виза чеклови олти ойга, қурол эмбаргоси бир йилга узатирилди.

2008 йил ноябр: Андижонда намоёнларга қарши ёппасига ўт очиш ва номутаносиб куч ишлатилиши учун масъул бўлган ҳамда қонли воқеалар юзасидан мустақил тергов ўтказилишига тўсқинлик қилаётган Ўзбекистон расмийларига нисбатан жорий қилинган виза чеклови бутунлай бекор қилинди.

2009 йил ноябр: Санкциялар рўйхатида қолаётган қурол эмбаргоси ҳам бекор қилинди.

Манба: «Озодлик» радиоси



“Маънавият” нима?

(Муртадона китоб хақида)

Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” асари бугун Республикада нақ Куръонга тенг мақомда кўрилган. Бу китобдан иқтибос келтириш фарз гўё. Ҳамма мақолаларда, китобларда, албатта, бу китобга мурожаат қилишади.

Биз ҳам бу китоб шу қадар зўр бўлса керак деб ўқиб кўриб кўнглимиз айнаиди. Одамнинг алжираниш шу қадар бўладими? “Маънавият” деган сўзни истилоҳ даражасига кўтарган Каримов унга нима деб таъриф берганини қаранг:

“Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз”.

Каримов бечора ҳар доим менинг гапларим ҳақиқат, буни ҳаёт тасдиқлаётгани дейишни яхши кўради. Аммо у ёлғончи эканлигини ҳамма билади. Энди таърифга қайтсак. Демак, Каримовнинг “маънавият”и :

Инсонни руҳан покланишга чорлайди;

Қалбан улғайишга чорлайди; Одамнинг ички дунёсини бақувват қиладди;

Одамнинг иродасини бақувват қиладди;

Одамнинг иймон-эътиқодини бутун қиладди;

Виждонни уйғотди, яъни беқиёс куч;

Инсоннинг барча

қарашларининг тарозиси.

Майли, маънавият инсонни руҳан поклашига чидаса бўлади. Қалбан улғайтирса ҳам, бир нави. Ички дунёни, иродани бақувват қиладди деса ҳам хўп. Аммо маънавият иймон эътиқодни қандай қилиб бутун қиладди??? Ахир, инсоннинг ўзаги, мағизи, инсоннинг руҳиятини тутиб турадиган устун, бу – Оллоҳга бўлган иймон-ку! Мусулмон одам ҳамиша ҳар ишда Оллоҳга таваккул қиладди, Оллоҳга суянади, иймон – инсон борлиғининг ягона таянчи. Аммо Каримовнинг “маънавия”ти шу иймон-эътиқодни ҳам бутун қилар эмиш! Ана мантиқсизлик! Ана буни алжираш деб атаса ҳам гуноҳ. Зотан, алжирашда ҳам бирор маъно бўлади, лекин бу гапда маъно йўқ.



Маънавият бу иймонми – виждонни уйғотди? Каримов, кўриб турганингиздек, ўз ўйлаб топган маънавиятни иймондан ҳам устун кўйган.

Инсоннинг ҳаёт ва олам ҳақида қарашлари, фикрлари бор. Ушанинг мезон ҳам маънавият эмиш. Мусулмон одам ҳамма қарашларини Куръон ва суннат асосида шакллантиради-ку. Мусулмон одам учун Куръон ва суннат ҳамма нарсанинг ўлчови – мезони-ку!

Каримов бу бемаъни китобда ўзи ўйлаб топган “маънавият”нинг чашмалари ўлароқ Авестони ва аждодлар меросини кўрсатган. Сарчашманинг аҳволи шу бўлгандан кейин яна нимани кутиш мумкин?

У ҳам камдек маънавия таҳдидлар ҳақида алаҳсираган. Мусулмон одам учун маънавий таҳдид – унинг иймонига бўлган таҳдиддир. Аммо иймон бақувват бўлса, иншаОллоҳ, ҳар қандай таҳдид унинг кучли бўлиши учун хизмат қиладди.

Каримов Наврўз байрам, Алпомиш ҳақида гапирган, маънавий жасорат эгалар ўлароқ Озод Шарафидинов ва Зулфияни тилга олган. Уларни мактаган. Албатта, у ўлиб кетган одамларни мактайди, чунки улар Каримов ҳокимиятига соя солмайдилар-да!

Бу фактлар орқали шуни хулоса қилмоқчимизки, Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” китоби ширк китобидир. Мусулмонлар ақидасини тубдан ўзгартиришга қасд қилган, одамларни Худоадан ажратишни қасд қилган китобдир. Минг афсуслар бўлсинки, бу китобдаги ғоялар Ўзбекистондаги барча таълим муассасаларида ўқитилмоқда. Биз юқорида келтирган таъриф эса деярли ҳар бир расмий идоранинг деворларига осиб ташланган. Бу таърифни одамлар ҳар куни минг марталаб ўқишади, ёдлаб олиб гапиришади, бироқ унинг моҳиятида ётган ширкни англамайдилар ёки англайдилар.

Балки, Оллоҳ кечирсин, бу таърифни айтиш ва уни тасдиқлашнинг ўзи инсонни мусулмончиликдан чиқариб қўймасмикин!

Чунки бу жумлалар мазмунида Оллоҳга бўлган иймонга соя солиш мазмуни борлигини кўрдик. Ақида илмида алфози куфр – яъни куфрга олиб боровчи сўзлар масаласи ўта муҳимдир. Каримов бу асари билан бутун мамлакатни алфози куфрни айтишга мажбур қилгани аён ҳақиқатдир.

Умуман олганда, биз одамларга Каримов айтаётган гапларга, китобларида ёзилган фикрларга бир қадар хушёр қарашларини тавсия қиламиз. Кўр-кўрона унинг ҳамма гапларини мутлақ ҳақиқат деб тасдиқлаб диндан чиқиб муртад бўлиб қолманг.

Абдуллоҳ Нусрат

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Душанбеда 12 май куни Тошкент қарши чиқаётган CASA-1000 лойиҳасини амалга ошириш расман бошланган. Лойиҳанинг бошланиши муносабати билан ўтказилган расмий маросимда Тожикистон президенти Эмомали Раҳмон, Қирғизистон бош вазири Сўўрўнбай Жээнбеков, Афғонистон бош вазири Абдулла Абдулла, Покистон бош вазири Навоз Шариф иштирок этди.

Тожикистон ва Қирғизистонга умид бахш этган лойиҳа

CASA-1000 лойиҳаси доирасида Тожикистон ва Қирғизистон электр энергиясини Афғонистон ҳамда Покистонга сотиш назарда тутилади. Расмий тадбирда бу ҳақда гапирган Эмомали Раҳмон, жумладан, мана буларни айтди:

— Бу юқори кучланишли линия орқали Жанубий Осиё мамлакатлари йилига Тожикистон ва Қирғизистондан 5 миллиард киловатт соатгача бўлган миқдорда экологик тоза электр энергиясини сотиб олишлари мумкин бўлади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллиард 170 миллион доллар бўлиб, Қирғизистон ва Тожикистондан Афғонистон орқали Покистонга 1222 километр узунликда юқори кучланишли электр тармоғи барпо этилади.

Лойиҳа Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги, АҚШ Давлат департаменти, Британия халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Австралия халқаро тараққиёт агентлиги томонидан молиялаштирилади.

Афғонистон электр энергияси сотиб олиш фикридан воз кечди

11 май куни Душанбеда ўтган CASA-1000 анжуманида Афғонистон лойиҳа доирасида



CASA-1000 лойиҳасини амалга ошириш расман бошланди

Тожикистон ва Қирғизистондан электр энергияси сотиб олиш фикридан воз кечганини маълум қилди:

— Агар биз CASA-1000 лойиҳаси асосида электр энергиясини сотиб оладиган бўлсак, у ҳолда узоқ йиллар давомида Марказий Осиёга энергетик қарам бўлиб қоламиз. Айни пайтда бизда гидроэнергетик захиралар ва сармоялар мавжуд. Бугунги кунда Кобул энергетик мустақилликка эришиш стратегиясини ишлаб чиққан, — деди Афғонистон энергетика ва сув таъминоти вазири Али Аҳмад Ўсманий.

Унга кўра, Афғонистон лойиҳада транзит мамлакат сифатида иштирок этади. Афғонистон орқали Покистонга транзит қилинган электр энергияси учун Кобул йилига 45 миллион доллар ҳақ олади.

Ўзбекистон лойиҳа минтақа иқтисоди учун ҳалокатли эканини айтмоқда

Ўзбекистон CASA-1000 лойиҳаси минтақа иқтисоди ва экологияси учун ҳалокатли бўлишини билдириб, қаршилиқ кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистонлик мутахасисларнинг билдиришларича, 1910 йилдан 2009 йилгача олиб борилган ҳар ойлик кузатишлар таҳлил қилинганида, аслида Тожикистон ва Қирғизистон йилига ўрта ҳисобда 3 миллиард киловатт соатдан кўпроқ электр энергия дефицитига эга экани аниқланган. 1974-1986 йиллардаги камсувлик даврида эса бу дефицит

йилига 5,5 миллиард киловатт соатни ташкил қилган. Ўзбек мутахасислари, Тожикистон ва Қирғизистонда ортика энергия ресурслари мавжуд эмас ҳамда бу икки давлат CASA-1000 лойиҳаси бўйича мажбуриятларини бажара олмайди, деган хулосага келган.

Ўзбекистонлик экспертлар, шундан келиб чиққан ҳолда, CASA-1000 лойиҳасини амалга оширилиши Тожикистоннинг Роғун ГЭСи, Қирғизистоннинг эса Қамбарота 1 ГЭСи қурилиши билан узвий боғлиқ эканини айтмоқдалар. Ўзбекистон томони фикрича, мазкур қурилишларнинг амалга оширилиши минтақа сув ҳўжалиги ҳамда экологиясига катта миқдорда зарар етказди.

Душанбе ва Бишкек нуктаи назари

Душанбе ва Бишкек расмийлари эса Ўзбекистон экспертларининг хулосалари сиёсий асосларга эга, деб ҳисобламоқда. Тожикистон ва Қирғизистон томони Ўзбекистон Покистон ва Афғонистон энергетика бозорига қўшниларини киритмаслик учун мана шундай позицияда турибди, деган нуктаи назарни билдириб келаётир.

Бугунги кунда Афғонистонга экспорт қилинаётган электр энергиясининг асосий қисми Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йилнинг декабрида Ўзбекистон ҳукумати Афғонистонга соғиладиган электр энергияси миқдори 10 фоизга кўпайтирилиши ҳақида билдирган эди.

ЎХХ хабарлар бўлими



Ногирон жумлалар аталаси

(Каримовнинг 2016 йил 8 май кунги “нутқи” қисқача таҳлили)

Олдиндан тайёргарлик кўрилган эди. Беш-олти соқолсиз чол ва беш-олти лаганбардор журналист ҳамда беш-олти “кўзи чакноқ” ёшлар “мухтарам” юртбоши келмасидан аввал Мустақиллик майдонида таналаридаги тешикларни ҳам текширувдан ўтказган ҳолда ҳозир-нозир бўлдилар.

Ниҳоят юртбоши келди, у ўзи ясаган “мотамсаро она ҳайкали” пойига гул қўйди ва руку килди. Хаёлан дедики: **“Эй менинг маъбудам! Сенга гул опкелдим. Бутун мамлакатни сенга руку қилдирдим. Мени ҳокимиятда сақлаб қол! Эвазига сенга ҳар куни бир бойлам қиммат гул юбориб тураман”**.

Кейин ўзича хотира ва кадрлаш кунининг аҳамияти ҳақида интервью бера кетди. Каримов шу қадар узоқ ва бемаъни гапирдики, атрофидаги ҳамма чарчаб кетди. Ҳатто, бу нутқ ТВда кўриб ҳам толиқиб қолиш мумкин эди.

У даставвал хотира ва кадрлаш куни ҳақида вайсади, кейин нима учундир уруш бўлаётган

мамлакатлар ҳақида гапирди, “Ўзбекистон телеканалида уруш хабарлари йўқ, чунки ақли жойида одам бу ҳақда кўрмайди” деди.

Бу ҳайкални нега қурдик? Келиб шу ҳайкалга қараб хаёл сур, ўлиб кетган ота-боболарни эсла ва омин қилиб ишингга кет, Олло барака беради деди. Энди ота-боболарни эслаш ва яна омин қилиш учун шу кампирнинг ҳайкаliga келиш керак, шекилли.

Каримов армияни кучайтириш ҳақида жавради. Афғонистонни гапирди. Бизнинг болаларимиз фақат ўз юртимизда бўлади, биз ўз чегарамизни ҳимоя қиламиз деди. Бу гапларни у ўн йиллардан буён айтиб келади.

Хуллас, агар яна Каримовнинг гапларидан иқтибос келтираверсак, мақола нима ҳақда бораётганини сиз ҳам, биз ҳам унутиб қўйишимиз мумкин.

Фақат бизни бошқа бир нарса ажаблантиряпти – одамлар унинг бу гапларини тинглашди, ўзаро боғланмаётган алжирашнинг гувоҳи бўлишди – нахотки, бу гаплар замиридаги каззобликни кўрмасалар, англмасалар?!

Каримовнинг нутқ чоғидаги ҳаракатларига, юзига ва кўзларига диққат қилганмисиз? У гапирганда бутун танаси билан силтанади, нима гапирсам экан деб калласида жумла тўқишга интилади, кечаги жавраши асносида эса чап қўлини чўнтагига ҳам тикиб олди.

Гапи бетартиб ва зерикарли чиқаётганини ўзи ҳам фаҳмлади, кўзларида чарчоқ кўринди, ўртада овозини баланд кўтарди ва қўлини мушт қилиб ҳавода силтади. Охирида ҳаммага соғ бўлинглар деб қўйди.

Нотиқнинг ёлғон гапираётганини аниқлаб олиш қийин эмас, айниқса, у узоқ йиллик диктатор бўлса. Каримов қариб қолди, ўз овози оҳангини яхши бошқаради, бироқ умидсизлик уни қамраб олгани унинг ўзини тутишидан, танлаётган сўзларидан фош бўлди.

У сиёсат ҳақида, парадлар ҳақида ҳам тўхталди. Лекин ҳеч бир фикрини ўз ўрнида қўллай олмади. Бу бизга гўё бир тоғора аталани эслатди. Каримовнинг нутқи унинг интиҳоси ҳақида хабар бераётгандек туюлди. Зотан, унинг “нутқи” аслида алжираш ҳамда васваса эканини англаш учун жуда ҳам ақлли бўлиш шарт эмас.

Абдуллоҳ Нусрат

Демократик тамойиллар диктатурани қурол билан ағдариш ҳуқуқини сўнгги чора сифатида кафолатлайди. Исён табиий ҳуқуқ ҳисобланади, ва ижобий ҳуқуқ тамойиллари тасдиғини талаб қилмайди.

Зулмга қарши кураш ҳуқуқ асоси, диктаторларни ўлдиришнинг қадимги ҳуқуқ давридан бошланган. Илк бор исён ҳуқуқи 1776 йилги АҚШ мустақиллик Декларациясида ёзма равишда қайд қилинган.

Ушбу ҳужжат муқаддасида шундай дейилади: “... агар қандайдир сиёсий тузум ушбу ҳуқуқларни бузса, у ҳолда халқ уни ўзгартириш ёки бекор қилиш ва халқ фаровонлиги ва хавфсизлигини энг яхши тарзда таъминловчи тамойилларга асосланган ва бошқарувни шу шаклда ташқил қилувчи янги тартиб ўрнатиш ҳуқуқига эга... қачонки қатор ҳокимиятни суистеъмол қилиш ва зўравонликлар натижасида... халқни мутлақ мустабид тизимга бўйсундиришга уруниш аниқланса, у ҳолда бундай ҳукуматни ағдариш ва ўз келажак хавфсизлигини

таъминловчи янги кафолатларини яратиш халқнинг ҳуқуқи ва бурчидир”

Шунингдек 1789 йилги Франциянинг инсон ва фуқаро эркинлиги ва ҳуқуқлари Декларациясининг 2-моддасида эркинлик, хусусий мулк ва хавфсизлик каби табиий ва ажралмас инсон ҳуқуқлари билан бир қаторда, зулмга қарши исён ҳуқуқи ҳам таъкидлаб ўтилган.

Қолаверса 1793 йилда ушбу Декларация кенгайтирилган ва қуйидаги сўзлар қўшилган:

Ҳар кимса халқга тегишли бўлган ҳукмдорликни ўзлаштириб олса, у дарҳол эркин фуқаролар томонидан ўлимга ҳукм қилинади.

Қачонки ҳукумат халқ ҳуқуқларини поймол қилса, исён қилиш ушбу халқ ва унинг ҳар бир аъзоси учун муқаддас ҳуқуқ ва фавқулодда вазифасидир.

Полша қироллиги ва Полша-Литва ҳамдўстлигида исён ҳуқуқи, шляхта ҳуқуқ ва имтиёзларига риоя қилинмаган пайтда уларнинг ҳимоясини таъминлаш мақсадида

шляхтанинг имтиёзларидан бири бўлган.

Тез-тез қиролга босим ўтказиш мақсадида қўлланилган. Хусусан, ушбу ҳуқуқга таянган ҳолда, шляхта Казимир I, Болеслав II қиролларини сургун қилган.

Шунга қарамай, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш, қиролнинг қуролли ғалабаси тақдирида, кўзғолон сифатида кўрилиши мумкин эди.

1948 йил БМТ томонидан қабул қилинган Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари Декларацияси муқаддасида шундай дейилади:

“инсон сўнгги йўл сифатида, диктатура ва зулмга қарши исён қилишга мажбур бўлмаслигини кўзда тутган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ҳукумат томонидан ҳимоя қилиниши лозим”

Кўпчилик замонавий демократик давлатлар конституциясида, мамлакатда ягона ҳукумат манбаи халқ эканлигини ва шу сабабли ҳокимиятни эгаллаб олиш ва уни суистеъмол қилишга қарши

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

туриш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи, халқ суверенитети эълон қилинади. Балки, айнан шунинг учун кўплаб замонавий конституцияларда исён ҳуқуқининг махсус таъкидлаб ўтилиши талаб қилинмайди. Сабаблардан яна бири шу бўлиши мумкинки, мавжуд бошқарув гўёки маълум бир ҳуқуқ ва эркинлик қоидаларини бузаяпти, деган баҳона ила, ҳукуматнинг сиёсий экстремистлар томонидан зўравонлик йўли билан босиб олиниши хавфидан исён ҳуқуқини

юримдик назар билан чегаралаш жуда ҳам қийиндир.

Шунга қарамай, қатор замонавий демократик конституцияларига исён ҳуқуқи киритилган. Масалан Германия Федератив Республикаси Асосий қонунининг 20-моддасида шундай дейилади:

(1) Германия Федератив Республикаси демократик ва ижтимоий федерал давлатдир.

[...]

(4) Ушбу тузумни баргараф қилишга уринувчи ҳар кимсага, агарда бошқа воситалардан фойдаланиш имкони бўлмаса, барча

немислар қаршилиқ кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Франциянинг 1958 йил 4 октябр кунги Конституцияси билан 1789 йилги инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси тасдиқланган. Бундан келиб чиқадики, унда тўғридан-тўғри айтилган зулмга қарши исён ҳуқуқи, Франция фуқароларига тегишли асосий ҳуқуқлардан биридир. 1971 йил 16 июл кунги Франция Конституциявий кенгаши ушбу Декларацияни, рия қилмаслик конституцияга хилоф, юридик равишда мажбурий ҳужжат дея эътироф қилган.

Кеч соат 21.00 дан ўтганда эшик тақиллади.

Очсам, 3 киши бўлиб маҳалладан чиқишибди. Қўлларида катта дафтар.

— Паспортигиз? Бу уйда кимлар билан яшайсиз? — сўроққа тутишди.

— Қизим билан?

— Ҳатто вақтинчалик ҳам прописангиз ҳам, ижара шартномангиз ҳам йўқ эканку? Уй эгасининг паспортини кўрсатинг? Хонадон соҳиби сизга ким бўлади?

Чақирилмаган меҳмонлар менинг, қизимнинг, куёвимнинг паспортларимизни олиб, журналга маълумотларни қайд қиларкан:



қилардим... Вақтинча рўйхатдан ўтиш учун паспорт столига бирамас, уч бордим ҳам... Лекин... Ҳеч қаерда ишламайдиган фуқароларни вақтинча прописка қилиш ҳам таъқиқланган эканда. Куёвимнинг номидаги уйда яшайман. Куёв яқин қариндош саналгани учун нотариусдагилар ижара шартномаси қилиш шарт эмас дейишди. Нима қилишга ҳам хайронман..., — дедим ташвишланиб.

— Қонун-қонун-да... Бўйсунимиз шарт..., — маъноли жилмайиб хайирлашишди...

Ҳа, ҳукуматнинг куйи идорасидан келиб огоҳлантиришдими, демак,

Малоҳат Эшонқулова: Ўз ватанингда Ватангадо бўлишдан ҳам ортиқ ситам бормикин?...

— Биласиз, биз маҳалладанмиз. Қонунга мувофиқ пропискаси яшаш мумкин эмас. Доимий, бўлмаса, лоақал вақтинча пропискага қўйишингиз шартлигини эслатиб ўтамин. Кейин ижара шартномаси ҳам тузишингиз керак бўлади. Акс ҳолда ноқонуний тарзда истиқомат қилаётганлигингиз учун сиз ҳам, уй эгаси ҳам жаримага тортилади. ИИБдан, паспорт столидан, милиция таянч пунктдан ҳар дақиқадан текширувчилар келиб қолишлари, жаримага тортишлари мумкин. Биз қонунни фуқароларга эслатиб юрибмиз. Мана, марҳамат қилиб мана бу ерга имзо қўйсангиз? — деди ўзини “подъездком” деб таништирган оғироёқ рус миллатига мансуб аёл. “Маҳаллаком”, “Домком... “Подъездком”... Буларнинг барчасига дақиқасига неча маротаба нафас олаётганлигинг

хусусида ахборот беришинг шарт. Акс ҳолда туғилганингга пушаймон қилдиришади....

Бахтга қарши “маҳаллаком”га қўшни бўламан, “домком” ва “подъездком”дан баландда — тепа қаватда тураман. Хуллас, ҳар қадамим ўлчовда. Камига, “дом”нинг тагида эшикдан неча бор чиқиб, неча бор кирганингни, қадамингни қаричлаб, қайд қилииб, кўзга чиққан кескандек бўлииб ўтирадиган сегаретфуруш ҳам бор... Қани буларнинг кўзини шамғалат ҳам қилиб кўрчи!... Бир имзо чеккунимга қадар кўнглимдан минг битта уй ўрмалади....

— Тушундингиз-а, огоҳлантирилдингиз. Бундан кейин доимий, ёки вақтинчалик пропискага қўймасдан яшасангиз, қонунни бузганингиз учун сиз ҳам, уй эгаси ҳам жаримага тортилади, — давом этди “подъездком”.

— Менга қолса, аллақачонлар

“счётчик” кетди. Энди кўп кечиктирмасдан “Законни билиб туриб бузгансан” дея ҳисоб талаб қилиб келишади, бу аниқ....

Оила рўзгорини тебратиш илинжида вилоятлардан ватани похтаҳтига иш излаб келганларга ниҳоятда қийин бўлди.

Ўз овулларида иш топа олмасдан Тошкентда қандолатчилик, тикувчилик цехларида, ўқув марказларида, бир сўз билан айтганда, хусусийман деган корхоналар борки, барининг вилоятдан келган ишчи-хизматчилари вақтинчалик пропискиси тугагач, қишлоқларига қайтиб кетишга мажбур бўладиган бўлди. Негаки, “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги қонун ва Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка килиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2012 йилнинг 1 май кунги №71-сонли буйруғига асосан хусусий корхоналарда ишлаётган вилоятлик фуқароларнинг ҳатто вақтинчалик прописка килиш ҳам таъқиқлаб қўйилган. Қонун ва қонун ости ҳужжатларига кўра фақат давлат ташкилотларида ишлайдиган фуқароларгина Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига вақтинчалик прописка килиш ҳуқуқига эга.

“Ўрикзор”, “Отчопар”, “Бек-Барака”, “Абу Сахий” каби бозорларда арава сураётган йигитларнинг ҳам прописка деганлари бошларига битган бало бўлди. Негаки, аравакашларнинг “вақтинчалик прописка килиш” ҳуқуқлари мамлакатнинг “пропискага” оид ҚОНУНи ва қонун ости ҳужжатлари – фармон, қарор ва буйруқлари ортидан топталганлиги сабабли бечоралар бозор участка нозирлари билан ҳар кунлик топган насибаларини бўлишишга, “кистир-кистир” қилишга мажбур. Акс ҳолда кетларига тепиб юборишади...

Хўрликлар аламида: аравакаш ака-укалар ҳатто кўшиқ учун ашъор ҳам тўқиб юборишган:

*Арава ҳайдаш фаҳрми, орми?
Мардикор пулига Мент ака зорми?
Пропискага “разрешение” борми?
“Временка” бўлмаса, Тошкентлар торми?
Пропискасиз нетаман энди?
Қишлоғимга кетаман энди-и-и-и...
(нақорат)
Пропискасиз нетаман энди?
Қишлоғимга қайтаман энди-и-и-и-и...*

дея қайғули кўшиқларини куйла-ааб юришибди.

Ўзбекистонимизнинг 12 та вилоят фуқаролари учун пойтахт Тошкент ҳорижий мамлакат, қўл етмас қитъа – “Биз орзу қилган Америка” бўлиб қолди!

Бундан кейин энди ростдан ҳам вилоятликларга Тошкентга кириш учун “золотая” виза керак бўлади.

Қандай қунларга қолдик-а? Ўз киндик қонимиз тўқилган юртда ўғайдек яшасак!

Қонунлар қўли билан ҳуқуқимиз, эркимиз, ихтиёримизни кишанлаб ташлашса-я!

Ўйлаб қоламан: ҳатто ҳорижий мамлакатларда нолегал яшаётган миллатдошларимиз ҳам бизнинг каби хўрланмаса, бизнинг каби ҳуқуқлари топталмаса керак?...

Ўз Ватанингда ватангадо бўлишдан аламлироқ ситам бормикин?

Бунингдек бедодликларнинг адоғичи, бўлармикин?

Бирор бир ёруғлик чикмаслигини билсам-да, шу бугун “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг Рўйхати тўғрисида”ги мамлакат Конституциясига мутлақо зид бўлган қонунни “ижод” қилган ва ҳаётга тадбиқ этган мамлакат раҳбарларига талабнома ёзиб жўнатдим:

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.А.КАРИМОВга

Нусхаси: Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис Сенатининг раиси
Ниғматулла ЙЎЛДОШЕВга

Ўзбекистон Республикаси Бош
прокурори
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВга

Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазири
Адҳам АҲМАДБОЕВга

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Ҳорижга чиқиш-кириш
ва фуқароликни расмийлаштириш
бошқармаси бошлиғи
ШОРИХСИЕВга

Тошкент шаҳар Ички ишлар
бошқармаси
ХЧК ва **ФРБ** бошлиғи
Б.Сайфуллаевга

Эшонқулова Малоҳат
Худжамовнадан

Доимий прописка манзили:
Тошкент вилояти, Зангиота
тумани,
Қатортол ҚФЙ, Қоракўса
маҳалласи, Ҳабиб Нуъмон
кўчаси, 7-проезд, 10-уй. Тел:
+99893 5701747

А Р И З А

Мен, Эшонқулова Малоҳат
Худжамовна 1966 йилнинг 25
декабрида Самарқанд вилоятининг
Оқдарё туманида туғилганман.

Икки нафар қизим бор. Никоҳим
бор, бироқ турмуш ўртоғим мен
билан истиқомат қилмайди.

Самарқанд туманида яшайди.

Мен 1989 йилда, ҳали талаба
эканлигимда Тошкентга ишга
келганман ва Тошкент вилоятининг
Зангиота тумани, Қатортол ҚФЙ,
Қоракўса маҳалласи, Ҳабиб
Нуъмон кўчаси, 7- тор кўча, 10-
уйга узок қариндошимизнинг уйига
доимий пропискада турганман.

Ўзим 1990 йилдан то 2010
йилнинг 9 декабрь кунига
қадар Ўзбекистон Миллий
телерадиокомпаниясида муҳаррир
сифатида фаолият олиб бордим.

ЎзМТРКда авж олган
порахўрликка қарши курашиш
ортидан ишдан ҳайдалганман ва
шу-шу ишсизман.

Мен 1989 йилдан то шу кунга
қадар гарчи Тошкент вилоятининг
Зангиота туманида доимий
пропискада турган бўлсам-да, у ерда
эмас, мана, 27 йилдирки Тошкент
шаҳрида, турли манзилларда,
ижарада истиқомат қилиб келдим.

Шу йиллар давомида 2 нафар
қизим Тошкент шаҳрида болалар
боғчасига борди, ўрта мактабни
ўқиб битирди, лицейда ҳам
Тошкентда ўқишди.

Мен 27 йилдирки Тошкент
шаҳридан хусусий мулк, уй
сотиб олишга уринаман, Тошкент
шаҳрига доимий пропискага
ўтиш мақсадида Тошкент шаҳар
хокимияти қошидаги комиссияга
ҳам ҳужжатлар билан бирга
ариза тақдим этиб, рад жавобини
олганман.

Хуллас, прописка масаласида
ҳеч қандай олди-бердига, порага
аралашмаганлигим сабабли
ҳалигача доимий пропискага
ўтолмасдан, қийналиб келдим.

Айни дамда тўнғич қизим
Ҳақимова Зарнигор Авазовна 2015
йилнинг 10 ноябрь куни оилали
бўлди. Турмуш ўртоғи Алимбеков
Қодирбек Баҳодирбековичнинг
фамилиясини олди.

Шу кунларда мен Алимбеков
Қодирбекнинг номидаги уйда
– Тошкент шаҳар, Учтепа
тумани, Чилонзор, 23-мавзе,
16-уй, 39-хонадонда истиқомат
қилмоқдаман.

Тошкент шаҳридан энди ўлсам
ҳам доимий пропискага ўта
олмаслигимни яхши биламан.

Бирок, вақтинчалик прописка
олиб, қизимнинг- куёвимнинг
уйида истиқомат қилсам дегандим.

Вақтинчалик пропискадан ўтиш
мақсадида Учтепа туман ХЧК ва
ФРБ га бориб учрашдим.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Паспорт столидаги масъул мутасаддилар оғзаки мувожаатимга “Сиз ҳеч жойда ишламас экансиз. Шу сабабли ҳатто вақтинча ҳам пропискада туриш ҳуқуқига эга эмассиз” дея жавоб беришди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ги фармонининг 34-моддасида:

“34. Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари, шунингдек белгиланган тартибда берилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар уй-жой майдонининг қанчалигидан қатъи назар доимий қайд эттириш ҳуқуқига эгадирлар:

— эр-хотин — бир-бирининг уй-жой майдонига;...

... — ота-оналар — фарзандларининг уй-жой майдонига;...” дея қатъий қилиб белгилаб қўйилган.

Бас шундай экан, мен Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ги фармонига асосан куёвим ва қизимнинг уйига лоақал вақтинчалик пропискадан ўтишга ва болаларим билан бирга истиқомат қилиш ҳуқуқига эгаман деб ҳисоблайман.

Бироқ, И. А. Каримовнинг фармонида қарамасдан, Учтепа туман Паспорт столи мутасаддилари менга лоақал вақтинчалик пропискага рухсат беришмаёттир.

Мен бир умр Тошкент шаҳрида яшадим. Самарқандда манзил-маконим, бошпанам йўқ. Тошкент вилоятининг Зангиота туманида узоқ қариндошимнинг уйида доимий пропискада тураман. Мен доимий пропискада турган манзил Тошкент шаҳридаги хозир истиқомат қилаётган куёвимнинг номидаги хонадондан нари борса 12-15 км масофа узоқликда. Бор-йўғи 15 км. холос.

Демак, менга Тошкент шаҳридан 15 км. олисда истиқомат қилиш мумкин, Тошкент шаҳрининг



ўзид мумкин эмас. Савол туғилади: менга куёвимнинг номидаги уйга вақтинчалик пропискага рухсат берилса, мен Тошкент шаҳар аҳлининг осойишталигига қандай таҳдид солишим мумкин?

Тошкент шаҳридан бор-йўғи 15 км. олисда бўлган Тошкент вилоятидаги доимий прописка жойимда истиқомат қилсам, мабодо Тошкент шаҳрига хавфу хатар солишдек бад истагим бўлса, мен тўрт кадам нарида туриб Тошкент шаҳрига зиён етказа олмайманми, 15 км. келолмайманми, шаҳарга етаолмайманми?

Бунингдек “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий ва вақтинчалик прописка қилиш тартиби”-ю, “Тоифалари” тўғрисидаги қонунлару меъёрий ҳужжатларда мутлақо мантиқ йўқ. Бунингдек мужмал қонун фуқароларнинг ҳукуматга бўлган ҳурмат ва ишончига соя солмоқда холос.

Аслида, мен учун Самарқандда, Тошкент вилоятида, қаерда яшашнинг бугунги кунда аҳамияти йўқ. Гап менинг қаерда истиқомат қилишни исташимда эмас, қаерда беминнат бошпанам, жигарбандларимнинг борлигида.

Бугунги кунда менинг қизим шу ерда, Тошкентда, беминнат бошпанам ҳам пойтахтда.

Самарқандда кимларнингдир хонадониди сизинди бўлиб, ёинки ижарада умргузорлик қилолмайман-ку. Ишсиз бўлсам, ижара ҳақи фалон сўм бўлса?... 50 ёшимда мен нима қилишим, қаерга, кимнинг уйига бош уриб боришим керак?

Илтимосим, мени И.А. Каримовнинг фармонида мувофиқ Тошкент шаҳридаги куёвимнинг номидаги уйга лоақал вақтинчалик прописка қилишга рухсат этишларингизни сўрайман.

Эшонкулова Малоҳат
10 май, 2016 йил

«НАТО Россия билан урушга тайёр бўлиши керак»

НАТОнинг Оврўпа иттифоқ қўшинлари Бош қўмондони Генерал Скапаротти Россиянинг “тажавузкор” сиёсати борасида ўз фикрини билдирган.

НАТОнинг Оврўпа иттифоқ қўшинлари Бош қўмондони Генерал Кертис Скапаротти, агарда Россиянинг “тажавузкор” сиёсати шу тарзда давом этадиган бўлса НАТОнинг Россия билан урушга тайёр бўлиши кераклиги айтган. Кремлнинг “барча халқаро маъёрларга нисбатан қўпол “тажавузкор” сиёсат” олиб бораётганини таъкидлаган Скапаротти, шу сабабдан НАТОнинг Россия билан фуқаролик ва ҳарбий ҳамкорликдан воз кечганини айтди.

Крим ахборот агентликлари хабарларига кўра, АҚШнинг учинчи баталёни Оврўпада кенгайтириш масаласида Вашингтонни ишонтиришга ҳаракат қилишини, шу билан ниятининг жиддий эканлигини кўрсатишини айтган Скапаротти, жумладан Италия ва Олмонияда жойлашган АҚШнинг икки баталёнининг ҳозирда Оврўпада эканлигини ҳам эслатиб ўтди. Шунингдек бугунги кунга келиб Оврўпада АҚШ қўшнлари томонидан қарийб 65 амалиёт амалга оширилгани қайд қилинган.

Бир чегара белгиланишини ва Россия ушбу чегарадан ошадиган бўлса НАТОнинг фаол ҳаракатга ўтишини сўзлаган Скапаротти, Россия ҳарбий учоқларининг НАТО кемалари атрофида провакацион ҳаракатларга йўл қўйганини эслатди.

Скапаротти, “Менимча улар бизни синашяпти. Аммо Россия шуни билиши керакки, Америка аскарларининг ҳаётига хавф бўладиган бўлса, АҚШ қарши тадбир чорасини кўради”, деб айтди.

Эслатиб ўтамиз, Генерал Кертис Скапаротти, НАТОнинг Оврўпа иттифоқ қўшнлари Бош қўмондонлигига 4 май куни тайинланган.

ЎХХ хабарлар бўлими

“ERKIN YURT”

интернет-газетаси
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий
нашри
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Муҳаррир: Нурбек Саломов